

Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 26 октябр 2016 йилдаги 444 сонли “Олий таълим муассасаларида абитуриентларни тайёрлов курслари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ва Тошкент тиббиёт академиясининг 2017 йил 29 мартағи 175 сонли буйруғи ҳамда Тошкент тиббиёт академияси низоми асосида тузилди.

Тошкент тиббиёт академияси тасарруфидаги тайёрлов курсининг

Н И З О М И

1. Умумий қоидалар.

1.1 Тошкент тиббиёт академияси қошидаги тайёрлов курси давлат таълим стандартларига мос равишда, тингловчиларнинг қизиқиши, ҳохиши ва имкониятларидан келиб чикиб, уларни мутахасисликларга йўналтирган ҳолда кириш имтихонларига тайёрлаш, шунингдек уларнинг интеллектуал ривожланишини таъминловчи ўқув муассасасидир.

1.2 Тайёрлов курси “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими хақидаги Низом”га, Тошкент тиббиёт академиясининг устави ва бошка таълим соҳасидаги меъёрий хужжатларга мувофиқ, равишда ўз фаолиятини амалга оширади.

1.3 Тайёрлов курси Тошкент тиббиёт академияси таркибида фаолият кўрсатувчи мустакил, бирламчи, хўжалик ҳисобидаги ташкилот ҳисобланиб, Тошкент тиббиёт академиясининг муҳридан, штампидан фойдаланади. Номи ёзиғлик (осма) лавҳасига ва бошқа реквизитларига эга бўлади.

1.4 Тайёрлов курси Тошкент тиббиёт академияси қошидаги моддий техник базадан бошқа тузилмалар билан бир қаторда тенг ҳуқуқ асосида фойдаланади ва ушбу базани ўзига тегишли қисмини сақлайди, мустаҳкамлайди ва ривожлантириш тадбирларини амалга оширади.

1.5 Тайёрлов курси ўзига тушган маблағлардан рационал ва самарали фойдаланишни назорат килади.

2. Тайёрлов курсининг мақсад ва вазифалари.

2.1 Тайёрлов курсининг асосий мақсади. Олий ўқув юртига киришни ҳоҳлаган ёшларни йилдан-йилга такомиллашиб бораётган тест тизими саволларига тўлиқ жавоб беришга тайёрлаш ва уларда ўрта таълим тизимида тўлиқ шаклланишга улгурмаган билим усулларини такомиллаштириш, уларда яшириниб ётган ижодий қирраларни ривожлантириш ва сифатли билим бериш йўли билан тингловчиларни жисмоний, маънавий ва эстетик ривожланишига ҳисса қўшиш.

2.2 Тайёрлов курсининг вазифалари:

- тингловчиларни билими, кўнимаси, мақсади ва тушуниш қобилиятига кўра гурухларга ажратиш;
- тингловчиларда ижодий дунёқарашни шакллантириш, уларни интеллектуал фаолиятини фанлар бўйича йўналтиришда кўмаклашиш;
- Олий ўқув юртларига кириш учун тингловчиларда етарли билим кўнималарини ҳосил қилишда ёрдам бериш;
- фанлар бўйича тест мисол ва масалаларни энг қисқа йўллар билан ечишга ўргатиш;
- тингловчиларда ўзларининг билимига ишонадиган сифатини шакллантириш ва ривожлантириш;
- узлуксиз таълим тизимидағи ватанпарварлик туйғусини тингловчиларда ривожлантириш ва халқимизнинг миллий, маънавий, маданий анъаналарига ҳурмат билан қарашни кучайтириш.

3. Тингловчиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

- тайёрлов курсига тингловчилар шартнома асосда қабул қилинадилар.
 - Шартномалар икки томонлама (ТТА ва тингловчи) ёки уч томонлама (ТТА, корхона, тингловчи) бўлиши мумкин. (Илова 1)
 - тайёрлов курсига Ўзбекистан Республикаси фуқаролари ва мавжуд Қонун хужжатларига мувофиқ равища чет эл фуқаролари ҳам қабул қилиниши мумкин.
 - тайёрлов курси тингловчиларни билимiga асосан маҳсус гурухларда ўқишини ташкил қиласди.
- 3.1 Тингловчилар:
- ўзлари ҳоҳлаган тилда (ўзбек ва рус) ва гурухларда (маъмурият билан келишилган ҳолда) ўқиши;
 - академия биносидаги ўқув хоналари, лабораториялар, кутубхоналардан фойдаланиши;
 - ўқув режасидан ташқари келишилган ҳолда қўшимча билим олиши;
 - фанлардан ўзига мосини танлаб олиш ва қонунда кўрсатилган меъёрий хужжатлар асосидаги имтиёз ва хуқуқларга эгадирлар:
- 3.2 Тингловчиларнинг мажбуриятлари:
- шарномада кўрсатилган контракт тўловини ўз вактида амалга ошириш;
 - академияни ички тартиб қоидаларига, уставига бўйсуниш;
 - академия биносида хушмуомалали, маданиятли бўлиш;
 - академия мулки (жихозлар, ўқув кўлланмалари, китоблар, асбоблар)га эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, уларни сақлаш:
- 3.3 Тингловчиларга белгиланган намуна асосида тайёрлов курсининг гувохномаси берилади.
- 3.4 Сабабсиз 2 хафта қатнашмаган ёки Академияни ички тартиб қоидаларига риоя қилмаган тингловчилар ўқишдан четлаштирилади.
- 3.5 Тингловчининг айби билан ўқишдан четлаштирилса, ўқиш учун тўланган тўлов тингловчига қайтарилмайди.

4. Ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этиш.

- 4.1 Ўқув-тарбиявий жараённинг мазмуни Давлат умумтаълим стандартларида ишлаб чиқилган ўқув режалар ва дастурлари асосида белгиланади.
- 4.2 Гурухлардаги тингловчилар сони 12 дан ошмайди (амалий машғулотларни ўтишда гуруҳ икки кичик гурухга бўлиниши мумкин). Тил ўргатиш гурухларида талабалар сони 6-8 кишидан ошмайди.
- 4.3 Ўқув жараёни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этилади.
- 4.4. Ўқув машғулотларини олиб боришга Академияни юқори малакали ўқитувчи-профессорлари жалб қилинади.
- 4.5 Ўқув гурухларида дарсларнинг бошланиши ўқув гурухларини ташкил бўлишига боғлиқ бўлиб, дарс ўтиш учун ўқув режалари шунга мос равища танланиб олинади:
- 4.6. Қисқа мuddатли ўқув гурухларида ўқитиш интенсив мукамалашган технологиялар асосида олиб борилади.
- 4.7. Ўқув жараёни ташкил қилиш умумий режа ва ўқитувчининг танлаб олган усули асосида олиб борилади.
- 4.8. Дарс тузилмаси қисқа назарий ва амалий тест масалаларини ечишдан иборат бўлади.
- 4.9. Тингловчиларнинг билим даражаси маҳсус тест-вариантлар ёрдамида текширилиб борилади.
- 4.10. Яқуний тестда тингловчиларнинг билим даражаси (рейтинги) аниқланади.
- 4.11. Тайёрлов курсида тартиб-интизом педагоглар ва тингловчилар ўртасидаги самимий муносабатлар, ўзаро ҳурмат, маданий-муомала асосида ўрнатилади.

5. Тайёрлов курсининг педагог ходимлари ва хизматчилари.

5.1. Тайёрлов курсига педагог сифатида ишга соатбай асосида маҳсус олий маълумотга эга бўлган Академиянинг олий малакали ўқитувчилари Академияда ўрнатилган тартибда қабул қилинади.

5.2. Ишловчиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, хақ тўлаш ва ишни ташкил қилиш шароитлари Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси ва тайёрлов курсининг штат жадвалига кўра амалга оширилади.

5.3. Тайёрлов курси педагогик ходимларининг вазифалари:

- ўқув жараёнини юқори даражада ва сифатли бўлишини таъминлаш;
- тингловчиларда танлаган йўналишларига қизиқишни кучайтириш;
- тингловчиларда мустақил фикрлаш, ечимни қисқа йўллар билан топиш, тез фикр юритиш, жавоблардан фойдаланиш орқали ечиш, таққослаш, олдинги натижадан фойдаланиш каби бир қатор кўникмаларни ҳосил қилиш;
- тингловчиларга ўргатилаётган фан йўналишларидаги билимларини чуқурлаштиришга ёрдам бериш;
- маҳсус ўқув дастури, илғор ўзига хос педагогик технологияларни яратиш;

5.4. Тайёрлов курси ўқитувчилари қонундаги мавжуд имтиёзларга эга;

5.5. Ёрдамчи техник ходимларнинг хуқуқ ва вазифалари тайёрлов курси бошлиғи томонидан Академия ректори билан келишилган ҳолда тасдиқланган йўриқномалар ва ички тартиб қоидалар асосида белгиланади;

6. Тайёрлов курсини бошлиғи.

6.1. Академия қошидаги тайёрлов курсини бошқариш яккарахбарлик, демократия, ўз-ўзини бошқариш ва ошкоралик принциплари бирлигидаги амалга оширилади;

6.2. Тайёрлов курсини бошқариш тайёрлов курси раҳбари, тайёрлов курси ўқитувчилари, Академияда ташкил топган Ректорат Кенгаши орқали амалга оширилади. У:

— тайёрлов курси тараққиётининг асосий йўналишлари, ўқув сифатини ошириш ва такомиллаштириш, моддий техник базасини мустаҳкамлаш, таълим мазмунининг турли шаклдаги (ўқув режаси, дастури, қўлланмалари), педагогик тажрибани илғор кўринишларини қўллаш, тингловчилар фикрини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини ривожлантириш каби ишларни бажаради;

6.3. Тайёрлов курсининг умумий фаолиятини бошқариш курс раҳбари томонидан амалга оширилади. Раҳбар мазкур соҳа бўйича олий маълумотли ва педагогик тажрибага эга бўлган мутахассислар ичидан Академия ректорининг буйруғига асосан тайинланади.

6.4. Тайёрлов курси раҳбари:

- ўқув муассасаси доирасида ҳамма ходимлар ва тингловчилар учун мажбурий бўлган буйруқ ва кўрсатмалар беради;
- академия ректори, маъмурияти билан келишилган ҳолда штатда кўрсатилган ходимларни ишга олишга ва ишдан бўшатишга тавсия қиласди.
- ўқув жараёнини режалаштиради ва ташкил этади, унинг бажарилиш натижаси устидан назорат қиласди.

6.5. Тайёрлов курси раҳбарининг хуқуqlари:

— фанлар бўйича ўқув режаларни муваффиклаштириш кенгашига тақдим қиласди, ўқув режасига ўзгартиришлар киритиш, тингловчиларни фанлар бўйича билимларини текшириш шаклларини аниқлаш, тайёрлов курси эҳтиёжига зарур бўлган жихозлар ва бошқа моддий-техник ресурсларни бошқа ташкилот ёки тадбиркорлардан пул ўтказиш йўли билан харид қиласди, бухгалтерия ва статистик ҳисоботни олиб бориш, фаол меҳнат қилган ўқитувчи-ходимларни рағбатлантириш (моддий ёрдам, мукофотлар уюштириш), зарур бўлганда уларга нисбатан жазо чораларини кўриш, бошқа муассасалар билан шартномалар тузишни ташкил қиласди.

7. Тайёрлов курсининг мулки ва воситалари.

7.1. Тайёрлов курсини молиялаштириш қуйидаги маблағ ва воситалар орқали белгиланган тартибда амалга оширилади:

- тингловчилардан тушган конракт тўловлар;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эхсон ва мақсадли бадаллар ва тўловлари;
- академияни бюджетидан ташқари ажратилган маблағлар.

7.2. Тайёрлов курсининг молиявий воситалари тўла ўзининг қарамогида бўлади, мусодара қилинмайди, тайёрлов курси ундан белгиланган тартибда фойдаланади.

7.3. Ходимларга ҳақ тўлаш Академияда амал қилаётган меъёрий хужжатлар асосида, меҳнатнинг реал қийматини ҳисобга олувчи коэффициентларга кўпайтирилган ҳолда ва тайёрлов курсининг молиявий ахволидан келиб чиқиб белгиланади.

7.4. Тайёрлов курсида ҳодимларни мукофотлаш уларга қўшимча устама ҳақ тўлаш тартиби Академиянинг Иқтисодий Кенгаши томонидан белгиланади ва курснинг жамғармасидаги маблағлардан тўланади.

7.5. Академия маъмурияти тайёрлов курсини ўқув ва зарур маъмурий хоналар, техник таъминот, алоҳҳда ҳисоб рақами, ўқув асбоб-ускуналари, мулк рўйхати билан таъминлайди.

7.6. Меҳнатни муҳофаза қилиш, тайёрлов курси ҳодимларига майший хизмат кўрсатиш Академиядаги масъул шахслар томонидан амалга оширилади.

7.7. Тайёрлов курси “Низоми”да белгиланган тартибда ўқув жараёнини ташкил киласди, бухгалтерия ҳисобини юритади.

7.8. Тайёрлов курсининг фаолияти тасдиқланган молия-хўжалик сиёсати орқали амалга оширилади.

8. Ҳалқаро ҳамкорлик

8.1. Академия қошида ташкил этилган тайёрлов курси Академиянинг ҳалқаро алоқалар бўлими орқали турли ташкилотлар билан ҳалқаро алоқалар ўрнатишга ҳақли.

8.2. Тайёрлов курси Академия маъмурияти орқали хорижий таълим муассасалари билан ўз соҳасига алоқадор таълим бўйича битим тузиши, ҳалқаро миintaқавий ташкилотлар фаолиятида белгиланган тартибда иштирок этиши мумкин.

“Низом” Тошкент тиббиёт академиясининг Илмий Кенгашида тасдиқланган.

2017 йил 29 март